

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 37 (65913)
1996 йил, 1 июнь, шанба

Сотувда
эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛГЎЧИ ХАЛҚАРО КУНИ

Болажон халқмиз биз,
Меҳрибон, дилкаш.
Тез кўнгил овлаймиз,
Изламай тилкаш.

Бу оқ, бу қора деб,
Фарқиға бормаимиз.
Барисин ғамин еб,
Кулишга чорлаймиз.

Болалар кулишса,
Демак, бу олам шод.
Бу олам шод бўлса,
Демак, ҳар одам шод!

Қалба ишқ кўр бўлсин
Кўпайсин болалар!
Тинчликка жўр ахир,
Биз айтган аллалар.

Болалар бор бўлса,
Бағримиз бут доим.
Ёғилар ризку рўз,
Барака, қут доим!

Феълимиз аро биз
Бахт топдик, топдик шон,
Биз мангу яшармиз,
Уларга садқа жон!



1 июнь — болаларни, демакки, келажакни, эртани ҳимоя қилиш куни. Жаҳондаги барча болажонлар байрами. Ўзбекистонлик болалар ўз байрамларини қандай нипонлайдилар? Шу савол билан Республика халқ таълими вазирлиги, мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бошқармаси бошлиғи Марат Шафиевич Шафиевга мурожаат қилдик:

— Болалик — бу бегуборлик, самимийликдир. Уларнинг юриш-туришлари, хатти-ҳаракатлари, гап-сузлари, кулгулари, ҳатто йиғилари ҳам бегубор ва самимийдир. Улар борки уйларимиз бозор, бағримиз бут, умримиз мазмунли. Фарзандларимизнинг соғлом, етук, билимли ва баркамол инсонлар бўлиб камол топишлари ҳар жиҳатдан биз катталарга боғлиқ. Бу борада ҳукуматимиз томонидан курсатилган гамхурликлар, чиқарилаётган қатор қарор ва курсатмалар айнан ана шу мақсадларга қаратилгандир.


Ҳозирги кунда республикада кенг тармоқдаги ўқувчилар уйлари, саройлари, болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказлари, ёш табиатшунослар, техниклар ва сайёҳлар марказлари фаолият курсатаётганлиги фикримизнинг далилидир. Бумасканларда ўқувчиларнинг қўшимча билим олишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, ҳунар урганишларига катта эътибор берилмоқда. Биргина республика ўқувчилар саройида бугунги кунда 200 дан зиёд тўғараклар мунтазам ишлаб турибди. Уларда жаъми 4000 бола қатнашиб келяпти. Тажрибали мураббийлар уларга мустақкам билим бериш, касб малакаларини эгаллашларида ва мустақил ҳаётга йўналтиришда жонбозлик курсатишяпти.

Ёшимсан, кексани сен ҳурмат айла Ўзинг ҳам қарийсан, ҳозирдан ўйла

Ф. АТТОР

Республикада ўтказилаётган аъёнаний ижодкор болаларнинг III сўёти, ҳамда иқтидорли болаларнинг V сўётларининг мақсад ва маслаклари ҳам

ягона — фарзандларимиз камолоти. Бундай сўёт ва анжуманларни ўтказишдан мақсад, республикадаги иқтидорли болаларни аниқлаб, Тош-



кентга олиб келишгина эмас, балки уларни рағбатлантириш, кейинги фаолиятлари билан қизиқиш, иқтидорларини тўғри йўналтира билиш ҳам демакдир.

Мана бугун болажонларимизнинг айёми. Байрам тантаналари Чилонзор туманидаги Мирзо Улуғбек номли истироҳат боғида бошланади. Байрамга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакиллари, чет эллик меҳмонлар, шунингдек, Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидан ҳам болалар ташриф буюришади.

Фаргона вилояти, Фаргона туманидаги 49-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Президентимизнинг махсус стипендиясига сазовор бўлган республикада ягона ўқувчи Лазизжон Зокиров, «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловининг голиби қувалик Акбарали Холдоров сингари иқтидорли ўғил-қизлар ҳам тантананинг азиз меҳмонлари бўлишади.

Байрам тантаналари куннинг иккинчи ярмида ҳар бир туманларда жойлашган истироҳат боғларида давом этади. Республикаимизнинг қолган вилоятларида ҳам байрам тантаналарини уюштириш, умумтаълим мактаблари, гимназия ва лицейларда турли қизиқарли ўйинлар, спорт беллашувлари, оммавий сайллар, учрашувлар ташкил қилиш, ногирон ва ночор оилалар фарзандларини байрам билан қутлаб, ҳокимиятлар орқали совға-саломлар уюштириш, ёш томошабинлар ҳамда қўғирчоқ театрлари спектаклларини бепул намоиш этишни ташкиллаштириш бўйича вилоят, шаҳар, туман халқ таълимлари бошқармалари, бўлимларига курсатмалар юборганмиз. Истагимиз, фарзандларимизнинг болалиги боладек бўлсин, фақат бир кун эмас, бор кунлари байрам бўлсин!

Феруза ЖАЛИЛОВА
суҳбатлашди.

«Ойи қаранг қуёш чиқяпти!» Бундай жарангдор овоздан ҳам ортиқроқ ёқимли товуш она учун бўлмаса керак. Аммо мана шундай жарангдор овознинг тарқалиб туриши учун оила яшаётган давлат, мамлакат тинч-тотув яшаши керак.

Бизнинг бу тинч-тотув ҳаётимиз давом этиши учун нималар қилинмади. Қанча буюк боболаримиз қурбон бўлмади. Бирини жонини деб отдилар, бошқасини босмачига чиқаришди. Утмишимизда ҳам бу тинч-тотув ҳаётимизни қўлга киритишимизда ҳам, юртимиз болажонларининг меҳнат ва азоб-уқубатлари бор. Улар ўз вақтида катталарга қўшилиб Ватанини ҳимоя қилдилар, эзилиб бошқалар учун мактабларини ташлаб, пахта тердилар. Туркистонни Чор Россияси босиб олгандан бери болажонларимиз ҳам катталарга қўшилиб, бировнинг қарамида яшашнинг азоб-уқубатларини татиб кўришди.

Чор Россияси 1913 йили умумтуркистон учун бюджетдан 21 миллион сум ажратган бўлса, унинг 65 фоизи ўз солдатлари ва полициясини боқошга сарфланар эди ва бу маблағнинг атиги 4 фоизи халқ таълимига, у ҳам бўлса ташқаридан келганларнинг болаларини, рус-тузем мактабларини тебратишга сарфланар, маҳаллий халқ боласи эса ўқидан маҳрум эди. Бу маблағ ҳам 1915 йили қисқартирилиб, мактаблар учун ажратиладиган маблағ 2 фоизга туяпирилган.

Бу бизнинг яқин ўтмишимиз. Кечагина кўрган кунимиз ёш болаларнинг пахта даласида меҳнати эди. СССР ўз мунофиқлигида шу даражага бориб етар эдики, бутун дунёга жар солиб

ДУНЁ ҲАЛИ ҲАМ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ

Африка ёки Ангола болаларини ҳимоя қиларди. Ўз болаларини эса пахта далаларида, лавлаги майдонларида ишлатар эди. Аммо бу мунофиқликларни халқаро ҳамжамият, бутун дунё биларди. Дунёда болалар тақдири билан шугулланадиган халқаро ташкилот ЮНИСЕФ бундан ярим аср олдин ташкил қилинган. 1996 йил унинг учун ярим асрлик юбилей. Мана шу ташкилотнинг хабарларига қараганда дунё болалари ҳали ҳам ниҳоятда ҳимояга муҳтож. Ҳали ҳам дунёда ёш болалар уруш ва қиргин-баротларда ҳалок бўлмоқда. Мунофиқ совет СССР сиёсатининг таъсири Чеченстонда давом этмоқда. У ердаги болалар ҳалокатини ҳали ҳеч ким санаб улгурмаган, бунинг иложи ҳам йўқ.

Ҳозирги замон урушини тасаввур қилиш учун ҳар куни кечқурун телевизорни кўриш кифоя. Бутун дунёда болалар улимий ҳар хил радио ва телекомпаниялар курсатиб турибди.

ЮНИСЕФнинг маълумотларига қараганда 1945 ва 1992 йиллар орасида

дунёда 149 уруш олови ёнган ва бу қиргинбаротларда 23 миллион одам қурбон бўлган. Бу рақамлар шуни курсатадики, ҳалок бўлганлар сони XIX асрдангига қараганда икки маротаба, XVIII асрга қараганда 7 маротаба кўп экан.

Энг ёмон томони шундаки, бу урушларда тинч аҳолининг қурбон бўлиши кўпаймоқда ва улар орасида болалар улими ҳам ошиб бормоқда. Саксонинчи йиллардаги урушларда тинч аҳолининг улими 90 фоиздан ҳам ошди.

Маълумотлар шуни курсатадики, охириги 10 йиллик урушларда икки миллиондан ортиқ бола ўлган, 4-5 миллион бола мажруҳ бўлиб қолган, 12 миллион бола эса бошпана, ота-онадан айрилган. Энг даҳшатлиси шундаки, 10 миллиондан ортиқ бола уруш натижасида руҳий мажруҳ бўлиб қолган.

Уруш олови ҳамон сўнмаяпти. Ҳозирги кунда 10 йиллаб, 20 йиллаб, ҳатто 30 йиллаб давом этаётган уруш ўчоқлари бор. Африка қитъасида айтилиқ Анголада 30 йилдан бери, Афғонистонда

салкам 20 йилдан бери, Шри Ланкада 12 йилдан бери Сомалида 8 йилдан бери уруш давом этмоқда. Чеченстон ва Тожикистонда ҳам болалар қурбон бўлаёттир.

Яна бир нарсани эслаб ўтмасдан бўлмайди. Совет СССР даврида шиорлар «Ҳамма яхши нарсалар болалар учун» деган шиор бор эди. Аммо айнан шу пайтнинг ўзида СССР дунёда энг кўп қурол ишлаб чиқадиган давлат эди. Бу қуроллар Африка ва дунёнинг бошқа жойларида арзон-таровга сотилиб, уруш оловидан мумайгина фойда олинарди. Ахир дунё бозорида бир «АК» автомати салкам 6 долларга сотилар эди. Унинг нархи ҳозир ҳам шу қийматда. Уруш оловини ёқиб, қурол сотиб, фойда олиб яшашнинг мунофиқлигини эндигина тушуниб етмаймиз.

Дунёда уруш олови учган кун бутун жаҳон болалари учун энг азиз байрам бўлса керак. Ана шундай куннинг келишини ҳаммамиз орзу қиламиз. Юртимизда тинчлик-тотувлик ҳукм сураб экан, биз ўз болаларимизнинг тақдирига бефарқ қарай олмаимиз ва шу билан бирга бутун дунё болаларининг тинч ҳаёт кечириши тарафдоримиз.

«Ойижон, қуёш чиқяпти, мен мактабга кечикяпман». Мана шундай жарангдор товуш ҳар бир хонадондан аримасин. Бутун дунёда оналар ўз болаларининг жарангдор товушларига жўр бўлишсин. Ҳа, бутун оламга тибарруқ қуёш нуруни сочаверсин. Ҳеч қачон уруш бўлмасин!

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ.

Матёқуб ҚУШЖОНОВ

ОТА ВА ОНАМНИ ШУНДАЙ
ТАНИДИМ

Хоразм воҳасида оғи деган сўз йўқ. Куп жойларда опа дейишади. Мен ҳам оғимни опа дердим. Тахминан тўрт-беш ёшларда бўлсам керак. Онам кечга бориб товук суйдириб, қайнатма шурва пиширди. Қозон-учоқ бошидаги қул тегирмон олдида жойлашган бўлиб, айвоннинг иккинчи томонида акам, яна қандайдир меҳмонлар отам бошчилигида давра қуриб, овқатнинг келишини кутиб утиришарди. Одатда овқат ёғочдан ясалган карсонга сузилар, шурва бўлса унга нон ёки патир тўғрашарди. Гушт эса алоҳида бир идишга солиниб, уртага қўйиларди. Отам гуштни гап билан шурва устига тўғради. У бу вазифани адо этгач, «бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм» деб карсонга қул чўзарди. Биз ҳам бу муқаддас калимани такрорлаб, овқатнинг ҳурматини баҳо келтирдик.

Одатдагидек овқат сузатган онамга тошчирок тутиб ёрдамлашиб турдим. У қозондан товук гуштини олиб, кичкина товоқчага солаётган эди, нимагадир чалғидим шекилли, гушт солинган товоқча тошчирокни ағдариб юбордим. Гушт чироқнинг мойи ва куйган пилик қорақуялари билан бўлганди.

Жуда қўрқиб кетдим. Бир онамга, бир даврадагиларга каловланиб қарадим. Шунда онам:

— Вой боламой, нишетиб қўйдинг, — деди-да, гуштли товоқни бир четга суриб қўйди. Ҳеч нарса бўлмагандек шурвага нон тўғраб дастурхонга олиб бориб қўйди. Воқеани куриб турган отам ҳам бир оғиз менга танбеҳ бермади. Фақатгина юз-қушлари хиел жиддийлашди, одатдагидек калимасини такрорлаб овқатга қул узатди.

Мен қилган ишимдан шу қадар изза бўлдимки, ушанда улар бир тарсаки урсалар ҳам рози эдим.


Онамнинг ҳадеб иш буюриб биз болаларни безовта қилавермаслиги, узи елиб-югуришлари, томдан оқ-бошми, янтоқми тушириб, учоққа ўт қалашлари, овқат ейилгандан сўнг сув иситиб, идиш-товоқларни ювишлари, яна дам олмай сигир соғиб, ўт, сув, ем беришлари доимо қўз олдимда туради. Уша вақтларда бу юмушларни бошқа одам эмас, фақат опа бажариши шартдек қўринган қўзимга.

Икки ўрқачли туямиз буларди. Отаназар деган жойдан ижарага ер олиб, экин экардик. Ҳосилининг ярми узимизга, ярми ер эгасига эди. Беш таноблар чамаси бўлган бу жой уйимиздан тўрт-беш чақирим олисда эди. Унга баъзан отда, баъзан арава ёки туяда қатнардик. Айниқса, туянинг устида миниб бориш хуш ёқарди.

Бир гал отамнинг орқасига ёпишиб, даламизга йўл олдим. Йўлда қорамоллар подасини оралаб утишга туғри келди. Бу сафар ҳам нимагадир чалғиб, туядан сирғалиб ерга тушиб кетдим. Бир маҳал отам менинг йўқлигимни сезиб югуртилаб ортига қайтди. Меҳрибоним бирор қор-ҳол бўлмадими, деб ҳадеб у ёқ, бу ёғимни пайпаслаб, силаб-сийпарди. Ушанда отажонимнинг соғ-омонлигимни куриб қувонгани сира қўз олдимдан кетмайди.

Ёшлик дафтари

Замонамиз алломалари, давлат арбоблари, ёзувчи, шоир адабиётшунослари. Уларнинг пурҳикмат сўзларини радио, телевидение орқали тез-тез тинглаб, кўриб турсангиз, тадқиқотлари билан танишасиз. Газета, китоблардан мақола, шеър, ҳикояларини ўқийсиз. Албатта барчангизни донишманд юртдошларимизнинг болалиги, ўсмирлик чоғлари қандай кечгани ҳам қизиқтиради. Бугун диққатингизга адабиётшунос олим Матёқуб ҚУШЖОНОВнинг болалик йиллари хотирасидан айрим лавҳалар ҳавола этамиз. Ушбу воқеалар алломанинг ўзлари айтгандек, мазкур битиклар сизларнинг ҳам ўй ва орзуларингизга эш бўлса бас.

ТОШҲОВУЗГА
БОРГАНИМИЗ...

Кариндошлардан бири босқинчилик кучайган даврлар шаҳарга — Тошҳовузга бориб қолган экан. Улардан бир қиз қолиб, Турсун амма дердик. Аммамникига бориб туриш менга жуда ёқарди. Шаҳарнинг доимо супуриб-сидирилиб турадиган тор кучалари, одамларнинг шошиб у ёқдан бу ёққа ўтишлари, уйларнинг бири-бирига туташ қурилганлиги ҳам ҳавасимни, ҳам ҳайратимни қўзғатарди. Булардан ҳам завқлиси, амма мени «айлангайман, шу боламдан» дея суюб қарши олишлари эди.

Бу гал ҳам уша тарафларга йўл олдик. Қул ўртасидаги йўлдан шаҳарга кирдик. Аслида бу қул эмас, Тошҳовузнинг бир томони Шоввут ёп, қолган уч томони қалъа қурилиши учун лой олинган ҳандақлардан иборат бўлгани сабаб, улар қул шаклига кириб қолган эди.

У пайтларда бутун шаҳар девор билан уралган буларди. Уни Хакра-қалъа деб аташарди. Хакра тахминан икки қават уйнинг баландлигича бўлиб, қалин, усти кенг, арава сиққулик эди. Хакранинг ташқи қирғоғи кесик-кесиклардан иборат бўлиб, атрофдан келадиган душманни кузатиш ва ўқ отишга мулкжалланганди. Ушбу қалъа тўртбурчак шаклида, ҳар томони тахминан бир чақирим келади. Тўрт томонида дарвоза — ушбу Тошҳовуз қалъаси ҳақида ҳар хил ривоятлар юради. Босқинчилик, талончилик кучайган пайтлари одамлар қалъага йиғилиб, ичида жон сақлаганлар.

Биз энам билан қалъанинг ғарб, яъни қишлоғимиз томонидаги дарвозадан кириб бордик. Аммамларникида аллақандай маросимга тайёргарлик қўрилар, хотинлар биргалашиб кўрпа-тушак тикишарди. Яна бу «Имма» деб ҳам аталарди. Улар ҳар томонга эшиклар қўйилган айвон деб аталмиш катта уйда утириб, «имма» қилишарди. Айвон томининг бир бурчагида катта туйнук бўлиб, у жойда доим кўмрилар бир хил оҳангда сайраб тургувчи эди. Энамдан, улар нима деяпти, деб сўрасам:

Бика тўн туқир,

Мирза қўй кетир, деб ашула айтяпти, дерди.

Энди уйлаб қарасам оҳанг шу сўзларнинг ифодасини эслатар экан. Чунки биканинг вазифаси уша даврларда кўпроқ тўн, кийим-кечак тикиш, кўрпа ёстиқ тайёрлаш, бола тарбиялаш, мирза — яъни эркакларнинг вазифаси оилани моддий жиҳатдан таъминлаш экан. Ҳанузгача мусичанинг сайраши энамнинг уша беғам, бахтли болаликдаги маънодор сўзларини эслатади.



Сабоҳат бир куни мактабдан жуда хурсанд қайтди:

— Ойижон, мени мактабимиздаги «Капалак» ашула ва рақс дастасига қабул қилишди, — деди севинчдан қушлари ёниб. Рузигул ошасли тиббиёт ҳамшира-

си бўлса ҳам, санъат оламининг ҳақиқий шайдоси, куй ва қушиқ ихлосманди. Шундан бўлса керак, қизининг қувончига астойдил шерик бўлганди ушанда. Шу Сабоҳат Давронова ва унинг санъатсевар дугоналари «Капалак»нинг фаол иштирокчиларига айланишган.

«Капалак» дастаси 1986 йилда Абдулла Қаҳҳор номли мактаб қошида хор жамоаси кўринишида иш бошлаганди. Шу йилиёқ туман миқёсида утказилган «Санъат байрами» курик-танловида иштирок этди. Орадан икки йил ўтгач республика телевидениеси орқали намойиш этилган «Қушигим, жон қушигим» курсатувининг меҳмони бўлишди. Даста қатнашчилари ижросидаги куй ва қушиқлар «Санъат гунчалари», «Марҳабо талантлар» каби қатор курсатувларда ҳам тез-тез янграб турадиган бўлди.

Кейинчалик олий тоифали мусиқа фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Ёшлар Ит-

тифоқи совриндори Фазлидин ака Бўроновнинг сайёҳи ҳаракатлари билан жамоа «Капалак» болалар дастасига айлантирилди. Ҳозирги кунда дастада кўплаб истеъдодли ўғил-қизлар санъатнинг сеҳрли олами билан ошно туғилишяпти. Катта ҳамда кичик

узга бир олам, истеъдодли, завқли-шавқли ўғил-қизлар. Сабоҳат Давронова, Умида Тураева, Маъмура Жўраева, Гулноза Мирзаева, Равшан Думбоев, Фаррух Ражабов сингари раққоса ва созандагарни тенгдошлари «Капалак»нинг капалаклари деб бежиз айтиш

«КАПАЛАК»НИНГ
КАПАЛАКЛАРИ

рақс гуруҳлари мавжуд бўлиб, раққоса қизларга моҳир рақс устаси Гулноза Бекова раҳбарлик қилади. Болалар Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий Осиё болалари» фестивалида катта концерт дастури билан иштирок этганликларини ҳали-ҳануз фахр билан эслаб юришади. Ушанда ажойиб дастурлари учун маориф вазирлигининг Фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишганди.

Дастанинг ҳар бир аъзоси

майти. Улар ижросидаги «Зардуз», «Хоразмча», «Бухороча», «Наврўз вальси», «Наврўз гузали» каби рақсларни мароқ билан томоша қилишади. Сабоҳат ва унинг дугонаси Умида Тураевалар шу йил республика рақс билим юртига ўқишга кириш ниятидалар. Зилола Нуриллаева, Лобар Олтинова, Феруза Зулфиева, Маърифат Тўйқулова, Муниса Эшмуродова сингари катта гуруҳ қатнашчилари эса фақат рақс тушибгина қолмай, мақом услубидаги қушиқларни ҳам ма-

Санъат
гунчалари

ромига етказиб ижро этишади. Дастанинг репертуари жуда бой ва ранг-баранг. Мақом услубидаги қушиқчи қизлар ижросидаги «Рост» мақомидан Бобур ғазали билан айтиладиган «Соқиномай савти калом», «Уфори Савти калом», Ҳувайдо ғазали билан айтиладиган «Дугоҳ Ҳусайний IV», «Бузрук» мақомидан Ироқ, Ҳабибий ғазали билан айтиладиган «Қашқарчаси», вокалчи қизлар гуруҳи қатнашчилари куйлайдиган Ш. Ерматовнинг «Бармоқларим», Н. Норҳужаевнинг «Чамандаги гуллармиз» каби қушиқларини тингласангиз, бу қизалоқлар тимсолида эртанги куннинг Муножоту Кумушларини, Юлдузлари-ю Хуршидаларини кўргандек бўласиз.

Дилфуза ТОҶИБОЕВА,
Навоий вилояти,
Навбахор тумани.

Ватаним

Ватаним оламда ягона, якто,

Бағрида бепосн водийлар пайдо.

Меҳнаткаш халқи бор — яратувчи халқ,

Унинг қули билан чамандир саҳро.

Водийлар ичида бир водий борки,

Ҳамид Олимжон ҳам куйлаган ёниб.

Қалбида охангдор танҳо куй борки,

Асрлар қаърида куймаган ёниб.


Мен шундай Ватанинг кенжа фарзанди,

Ота-боболарнинг ёруғ юзиман.

Ҳам буюк бир халқнинг умид дилбанди,

Ва улуг бир элнинг эрка қизиман.

Одинахон ҒОЗИЕВА,
Андижон вилояти, Шаҳрихон шаҳридаги
О. Содиқов номли 2-мактабнинг 10-
синф ўқувчиси.



«Далада баҳор», Суннатилло РАСУЛОВ, Самарқанд вилояти,
Каттакўрғон шаҳри, Каттакўрна қишлоғи.



«Зумрад ва Қиммат», Умидахон РАҲМОНОВА, 4-синф ўқувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН-ВАТАНИМ

Ўзбекистон Ватанимсан,

Сенсан менинг офтобим.

Кенг жаҳонга танилажак,

Боғу роғим чаманим.

Қучоғингда биз болалар,

Бахтимиздан қувнаймиз.

Келажаги порлоқ элим,

Шухратингни куйлаймиз.

Гулла, яшна, униб-усгин,

Чаман булсин ҳар ёгинг.

Хилпирасин само узра,

Фахр билан байрогинг.


Бахтимизнинг

посбонисан,

Меҳри дилда жон-танам.

Фарзандингмиз муносиб,
Ўзбекистон-Ватаним!

Феруза РАСУЛОВА,
Китоб шаҳридаги
1-мактабнинг 7-синф
ўқувчиси.



«Қуёш пиширган нон». Абдуҷаббор МАМАЖОНОВ, Андижон
вилояти, Андижон туманидаги Абдурахмон Жомий номли
мактабнинг 4-синф ўқувчиси.

ШАҲРИХОНИМ

Шаҳрихон деб аталади,

Биз устан шаҳар.

Қушиқларда мақталади,

Тингланг тонг саҳар.

Бағрин кучган зилол бир сой,

Гуё зар камар.

Моҳларойим меҳри тушган

Сойдан ер шимар.

Ризқ унади тупроғидан,

Дерлар кексалар.

Қуркам хусну жамолидан,

Қунглим юксалар.

Айтаверсам, таърифи мул,

Бир келинг дўстлар.

Ўғил-қизи меҳнаткаш хўп,

Эл бахтин қўзлар.

Нилуфар ОВУЛОВА,
Шаҳрихон шаҳридаги
2-мактабнинг 10-синф
ўқувчиси.



ҚИШЛОҒИМ

Қишлоғимиз кўркини

Безаб турар бир чинор.

Азим чинор бағрида

Қуплаб синоатлар бор.

Ўнг томони кенг гулзор,

Чап томонда майдонча.

Болалар учун тайёр,

Қишлоғимизда боғча.

Ён тарафда кўркам боғ,

Ястангандир ажойиб.

Мазаси тилни ёрар,

Мевалари гаройиб.

Қишлоғимиз кўркига

Қурк қушар чаман гуллар.

Қозоқработ аташар,

Уни севиб одамлар.

Дилдора КАРИМОВА,

Бухоро вилояти,

Ғиждувон туманидаги

3-мактабнинг 7-синф

ўқувчиси.

БУЛБУЛЧАМ

Булбулчам бор сайроқи,

Жуда севар чаманни.

Митти чумчуқчаларга,

Ёқмайди мақтангани.

Дилрабо ТИЛАНОВА,

Ғиждувон туманидаги,

С. Айний номли мактаб

ўқувчиси.

ТОМОША-МАШМАША

Бешда ўқийди Санжар,

Ўзи жуда ҳам қайсар.

Олган баҳоси икки,

Қунда эшитар дакки.

Қайда жанжал, мушт кетса,

Бўлмас, у четлаб ўтса.

Ҳар кун ҳар хил машмаша,

Бугун яна томоша:

Уйқудан «эрта» турди,

Қаранг соат ўн бўлди.

— Кулманг ундан, ким
кулди?

Бугун у «барвақт» турди.

Юз-қўлини ювмасдан,

Нонушта қилар, қаранг.

Сўнг эринчоқлик билан,

Мақтабга кетар аранг.


Тенгдош синфдошлари,

Келган эрта саҳарлаб.

Дарслар тамом бўлганди,

Санжар келар лапанглаб.

Ҳасан УСМОНОВ,
Қашқадарё вилояти,
Ғузур тумани.



«Қишлоғим манзараси», Моҳира ИСМОИЛОВА, 6-синф ўқувчиси.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

**Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА**

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Оффсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0317.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Манзил: 700083,
Тонкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
Телефон:
33-44-25